

Мамажонова Гулноза Каримовна
ўқитувчи
Наманган Муҳандислик-ҳурилиш институти

БИОЭТИКА - АХЛОҚ НАЗАРИЯСИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ СИФАТИДА

Бугунги кунда фалсафанинг баҳс-мунозарага сабаб бўлаётган масалаларини чуқур тадқиқ этаётган соҳа сифатида биз биоэтикани келтиришимиз мумкин. Мазкур фан соҳаси ўзининг узок ўтмишига эга бўлмаса-да, унинг муаммолари доираси қадимдан мавжуд бўлган. Врач ва бемор муносабатларининг ахлоқий жиҳатлари, эвтаназия ва ўлим, инсон аъзоларини трансплантация қилиш, ҳомила тушириш (аборт), клонлаш, ирсий инженерия муаммоларини фалсафий талқин қилиш нафақат жаҳон фалсафаси балки миллий фалсафий тафаккурга хос бўлган хусусиятдир. Чунки мазкур муаммога қизиқиш шуни кўрсатдики, XX асрнинг иккинчи ярмига келиб фалсафа ва фан оралигида биоэтика муаммосини ўрганиш бўйича муайян маънодаги объектив билимлар тизими шаклланди. Шу нуқтаи-назардан ҳозирги кунда мазкур масала ахлоқ фалсафасининг илмий тадқиқотлар соҳасига киритилган бўлиб, у жуда кўп мутахассислар томонидан тадқиқ қилинмоқда. Шунингдек, XX асрнинг охирида тиббий адабиётларда биоэтика муаммоларига бағишланган кўпгина илмий рисоалар чоп этилди.

Биоэтика дастлаб 1960-1970 йилларда ривожланган эди. Иккинчи жаҳон уруши тугаганидан бери фан ва техниканинг ривожланиши ва қўлланилиши бир қатор ахлоқий муаммоларни келтириб чиқарди[1]. Шу боисдан ҳам бу муаммоларни ўрганиш ва ҳал қилиш йўллари илмий ва технологик инновацияларни, илмий-техникавий ва амалий ишларни тартибга солувчи ва тўғри йўналтирадиган давлат сиёсати даражасигача кўтарилди. Айниқса, биотиббиёт ва биотехнологияларнинг ривожланиши ва қўлланилиши, шунингдек дунёдаги жиддий касалликлар пандемияси натижасида келиб чиқадиган ахлоқий муаммолар хусусан инсон ҳаёти ва ўлими билан боғлиқ масалаларни ўрганиш тобора долзарб аҳамият касб этди.

1978 йилда инсоннинг биотиббиётини ва хулқ-атворини ҳимоя қилиш бўйича тадқиқотлар миллий қўмитаси Пермонт ҳисоботини эълон қилди, унда тиббий ва соғлиқни сақлаш хизматларида ўзаро ҳурмат, фойда ва адолат каби учта принци ва уларни бу тизимда кенг қўллаш амалиёти таклиф қилинган. 1979 йилда Беочеп ва Чадрис “Биоэтика асослари” китобини нашр этдилар. Мазкур китобда трансгеник технология, инсон геномини тадқиқ қилиш, клонлаш технологияси, илдиз хужайраларини ўрганиш ва бошқа тиббиёт соҳасидаги маънавий-ахлоқий муаммолар атрофлича таҳлил қилинган[2]. Сўнгги йилларда биоэтика методологиясини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада биоэтика соҳасидаги тадқиқотларни илмий асослари янада мустаҳкамланди.

Шунингдек, биоэтика соҳасидаги тадқиқотларни ривожланиши натижасида инсон ҳаётига даҳлдор бўлган барча нарсаларни қадрлаш, инсон ҳаётини маънавий-ахлоқий жиҳатдан бойитишга хизмат қиладиган илмий-амалий концепциялар пайдо бўлди. Инсон ҳаётини ҳар томонлама қадрлаш ва асосан ҳар бир инсоннинг биологик мавжудлиги ва соғлиқ учун қайғуриш муҳим аҳамиятга эга.

Биоэтика саломатликни сақлаш соҳасидаги хатти-ҳаракат ва муносабатларни коорпоратив бошқаришда жамият даражасида бошқаришга шунчаки ўтиш эмас, бу ахлоқ умумий назарияси ривожланишидаги янги босқич ҳамдир. Бироқ, биоэтиканинг интеллектуал ҳодиса сифатидаги маъносини тушуниш учун ахлоқ нималигини ҳамда ахлоқ назарияси нима эканлигини билиш зарур. Ўзининг “Ахлоқи Кабир” яъни “Қатта ахлоқ китоби” асарида Арасту ахлоқнинг мазмун-моҳияти ҳақида қуйидагиларни ёзади: ‘Тапнинг лўндасини айтсак, ахлоқ сиёсатнинг таркибий қисмидир. Чиндан ҳам муайян ахлоқий фазилатларга эга бўлмаган, яъни муносиб бўлмаган одам (таникли жамоат арбоби сифатида) фаолият кўрсатиши мумкин эмас. Муносиб одам бўлмоқ -

фазилатлар эгаси - фозил бўлмок, демакдир”[3]

Ҳар бир инсон ўзининг маънавий жиҳатдан соғлом эканлигига ишончи комиллигига қарамасдан, фақат кам сонли кишиларгина ахлоқ қаердан пайдо бўлганлиги, гарчи бизни ҳеч ким мажбурламасада нима учун ахлоқ меъёрларига риоя қилишимизни; нима учун эзгулик, садоқат, масъулият сингари фазилатлар пул ва шон шуҳратдан муҳимроқлигини ва ниҳоят нима “яхши” ва нима “ёмон” эканлиги қаердан маълумлигини содда қилиб тушунтириб бера олади. Ушбу саволларга жавоб бериш учун ахлоқнинг келиб чиқиши ва моҳияти, унинг тузилмаси тўғрисида тасаввурга эга бўлиш зарур. Ўз даврида Эпикур “Ёқимли яшаш ақлли яшашсиз бўлмайди, ахлоқий ва адолатли ҳаёт, ва тескариси, ақлли яшаш мумкин эмас, ахлоқий ва адолатли, ёқимли яшашсиз”[4] деган эди.

Биоэтикада индивидларнинг ахлоқий сифатларини шакллантириш шарт-шароитлари сифатида ахлоқий ҳис-туйғулар, амалий идрок ва эркин ирода алоҳида қайд этилади. Биоэтикада ахлоқий идеаллар маданий гуруҳлар тасаввурларида шаклланган, индивидларни баркамоллик сари етаклайдиган олижаноб хулқ-атвор намуналари сифатида намоён бўлади. Ахлоқий меъёрлар эса, узоқ вақт амал қиладиган, маданий гуруҳларда кенг тарқалган ва қабул қилинган, бошқа маданий гуруҳларга хос намуналар билан биргаликда мавжуд бўлган хулқ-атвор намуналари сифатида талқин қилинади.

Америкалик машҳур онколог врач Ван Ранселер Поттер (1911-2001) «Биоэтика» атамасини илк маротаба илмий муомалага киритган. У ўзининг «Биоэтика - келажакка кўприк» китобида «биоэтика» атамасини илмий изоҳини бериш билан бир қаторда халқаро амалиётда кенг қулоч ёйган этика бўйича фанлараро кўмиталар ташкил этиш ғоясини ҳам илгари сурган. Бу олимнинг асосий ғояси ер юзида ҳаётни сақлаб қолиш мақсадида гуманитар фанлар ва биология фани муаммоларини ўзаро ҳамжиҳатликда ҳал этишдан иборат бўлган. Унинг фикрича, айнан “Нормал ва барқарор цивилизацияда инсоннинг тур сифатида узоқ муддат яшаб қолиши этика нормалари тизимини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашни тақозо этади”[5].

Этика нормаларининг мазкур тизимини В.Р.Поттер глобал биоэтика деб номлайди. Глобал биоэтикани тиббиёт этикаси, биоэтика, атроф муҳит этикасига бўлинишини илмий жиҳатдан исботлаб беради Поттернинг фикрига кўра, “Биоэтика инсониятнинг яшаб қолишини таъминлаш ва бутуи кишилиқ жамиятининг соғлиғини сақлаш учун тиббиёт этикаси билан атроф муҳит этикаси (экоэтика)ни жаҳон миқёсида бирлаштирувчи кўприк бўлиши лозим”[6].

«Биоэтика» тушунчаси инсоннинг бутуи ҳаётга бўлган муносабатини ўзида акс эттиради десак тўғри бўлади. Чунки биология, тиббиёт, биотехнология, нанотехнологиялар соҳасидаги кашфиётлар анъанавий этика муаммолари кўламини янада кенгайтишига олиб келмокда. Шу боисдан ҳам биоэтика асосан икки йўналишда ривожланиб бораётганлигини кўришимиз мумкин. Бундан биринчи йўналиш инсонга маънавий-ахлоқий муносабат нуқтаи-назардан баҳо беришдан иборат бўлиб, у фанда тиббиёт этикаси деб номланади. Иккинчи йўналиш эса инсоннинг ҳайвонларга ахлоқий муносабатидан иборат. Унга кўра ҳайвонлардан турли мақсадларда (озиқ-овқат манбаи, саноат учун хом ашё, тиббий-биологик тадқиқотлар учун модел, кўнгилхушлиқ объекти сифатида фойдаланиш атроф муҳит этикаси нуқтаи-назардан муносабатда бўлиш талаб этилади. Бугунги кунда биоэтикада юқоридаги биринчи йўналиш айниқса илмий жамоатчиликда жиддий ташвиш уйғотмокда. Шу боисдан ҳам биоэтика амалий этикага айланди. Бугунги кунда биоэтика ўз эътиборини амалий тиббиётнинг ахлоқий муаммоларига қаратмокда.

Биоэтика бугунги кунда врач ва бемор муносабатларининг ахлоқий жиҳатларига, эвтаназия ва ўлим, инсон аъзоларини трансплантация қилиш, ҳомила тушириш (аборт), клонлаш, ирсий инженерия билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишга алоҳида эътибор қаратмокда. Академик доираларда «биоэтика» тушунчаси айнан шу маънода қўлланилаётганлиги бежиз эмас албатта. Бунда тиббиёт этикаси тушунчаси ўрнига кўпинча деонтология тушунчаси ҳам қўлланилаётганлигини кузатишимиз мумкин.

Инглиз файласуфи Бентам XIX асрда муомалага киритган Деонтология соҳаси этиканинг бурч ва мажбурият муаммоларини ўрганувчи алоҳида бўлими ҳисобланади. Инсон манфаатларини ҳимоя қилиш, унинг қадр-қиммати ҳақида тафаккур қилиш зарурати амалий этикани пайдо бўлишига олиб

келган. Шу ўринда қайд этиш керакки, биоэтика тиббиёт этикасидан қандай фарқ қилса, амалий этика ҳам анъанавий этикадан шундай фарқ қилади[7].

Оммавий биоэтика деганда М.Б.Браун, биотиббий фан ва биотехнологиялар ривожини билан боғлиқ ва биоэтика дилеммалари борасидаги жамоатчилик фикр-мулоҳазалар ва баҳсларга нисбатан муносабатини тушунади. М.Б.Браун фикрича, бунда ахлоқ қўмиталари биоэтика дискурсида потенциал иштирокчилар билан қандай ҳамкорлик қилиши муҳим аҳамият касб этади[8]. Шу боисдан ҳам биоэтика муаммоларини қуйидагича таснифлаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз: тиббиётга тижоратнинг кириб келишига қарши кураш, беморларнинг ҳақ-хуқуқларини поймол қилмаслик, тиббиёт ходимларининг мақсад- манфаатлари ва ҳавфсизлигини таъминлаш учун курашиш, мажбурий ва ихтиёрий тиббий суғуртани кенг миқёсда жорий этиш, қонун ҳужжатлари, диний муассаса ва ташкилотлар, турли мамлакатларда яратилган ахлоқ кодексларидан соҳадаги муаммоларни ҳал этишда самарали фойдаланиш ва бошқалар шулар жумласидандир. Шунингдек, бугунги кунда замонавий тиббиёт ютуқларидан ғарийинсоний мақсадларда фойдаланишга бўлган барча уринишларга, бактериологик, кимёвий ва ядро курулларидан фойдаланишга тўсқинлик қиладиган биоэтика халқаро қўмиталари ташкил этиш зарурияти тобора кучайиб бормоқда.

А.Б.Саджу кўрсатишича биоэтика соҳасида марказий ўринни принципизм концепцияси эгаллайди. Мазкур концепцияга кўра, биоэтик анализ асосида этика тамойиллари ва қоидалари ётиши керак. Зеро, биоэтика - бу биотиббиёт фанининг ривожланиши ва соғлиқни сақлаш амалиётига энг янги технологияларни жорий этиш билан боғлиқ бўлган ахлоқий, фалсафий ва антропологик муаммоларни тадқиқ этиш соҳасидир[9]. Шу боисдан ҳам бугунги кунда табиий ва сунъий ҳаёт ўртасидаги фарқ ва ўзаро алоқадорлик муаммосини ўрганишда биоэтика соҳаси вакиллари ўзига хос илмий қарашларни илгари сурадилар. Жумладан, инсонлар ҳаётини лойиҳалаш ва синтез қилиш ғояси бугунги жамиятнинг янги концепциясини янада бойитиб бораётган инқилобий биотехнологияларни ривожлантиришга бўлган эҳтиёжни янада оширди. Бироқ, бу жараён ўзининг ижобий томонларини намойиш этиш билан бир қаторда ахлоқий муаммоларни ҳам пайдо бўлишига сабабчи бўлди. Булар сунъий ҳаёт натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган инсон саломатлигини сақлаш билан боғлиқ ахлоқий муаммолар, эвтеника муаммолари, экологик муаммолар, халқаро ва маҳаллий даражада ижтимоий адолатни таъминлаш муаммолари, инсон ҳуқуқлари, инсон кадр-қиммати ва ҳар бир инсоннинг ахлоқий бурч ва масъулиятини таъминлаш ва бошқалар шулар жумласидандир.

XX асрда тиббиёт технологияларининг жадал ривожланиши билан тегишли ахлоқий муаммолар ҳам пайдо бўлди. Масалан, касалликлар спектрининг ўзгариши ва узоқ умр кўриш масалалари эвтаназия доирасида чекланди. Шу боисдан ҳам ҳатто 90-йилларнинг бошларида ҳам инсоният генетикасини тадқиқ қилишдаги илмий изланишлар ва уларнинг қўлланилишидаги ахлоқий муаммолар кўп олимларни ташвишга солган эди. Шу нуқтаи- назардан қараганда, жамиятда биоэтика соҳаси билан боғлиқ кўплаб муаммоларни индивидуал равишда ҳал қилиш мумкин эмас ва уни давлат сиёсати даражасига олиб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Биоэтика -буахлоқийназария, принципларваусулларни клиник, биомедикалтадқиқотлар, соғлиқни сақлаш ва янги биотехнологияларни ўрганиш жараёнига қўлланиладиган фан бўлиб, унда асосан ушбу соҳалардаги илмий изланишлар учун ахлоқий талаб ва меъёрларни ишлаб чиқади. Биоэтика тадқиқотларининг мантикий бошланғич нуқтаси клиник, илмий тадқиқотлар ва соғлиқни сақлаш амалиётлари, шунингдек, технологик инновациялар, илмий- тадқиқот ва биоцебелларни қўллашда юзага келадиган ахлоқий муаммолардир. Шу боисдан ҳам биз ушбу ахлоқий масалаларга алоҳида эътибор беришимиз керак бўлади.

Биоэтикада ахлоқ мазмунан гуруҳ ёки жамият ахлоқий талабларига тўғри келади. Лекин улардан ўзининг субъектив фикрлаши ва ифодалаши билан, муайян ахлоқий кадриятларни устувор қўйиши ва уларга йўналганлиги билан фарқланади. Масалан, ахлоқнинг “олтин қоидаси” шундай маслаҳат беради: «кишилар сенга қандай муносабатда бўлишини истасанг, сен ҳам бошқаларга худди шундай муносабатда бўл». Уни бошқа мулоҳазалар билан ҳам ифодалаш мумкин. Лекин ушбу “қоида”ни ҳар бир инсон ўзича талқин қилади. Бири уни фақат оилавий муносабатларга, бошқаси - норасмий шахслараро муносабатларга, учинчиси эса - хизмат юзасидан муносабатларга нисбатан қўллади.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Шунга қарамай, мазкур қоида-меъёр биоэтикада ҳеч қачон ўз мазмуни ва аҳамиятини йўқотмайди, ҳамма учун тушунарли ва зарур талаблилигича қолади.

Ҳозирги даврга келиб инсоният ўзини диний, ирқий, миллий нуқтаи назардан алоҳида, ажралиб турувчи зот сифатида кўришга одатланиб, натижада урушлар билан тилка-пора қилинган, порахўрлик касалига чалинган, ижтимоий адолатсизликдан куйган ва табиий ресурсларининг тугашидан изтироб чекаётган ҳақиқий воқеликка эга бўлди. Беихтиёр, биз, ана шу фожеавий воқеалар қурбонига айландик. Агар биз тамаддунимизни асраб қолишни истасак, имкон қадар тезроқ бу каби воқеа-ҳодисаларнинг олдини олишимиз даркор. Айнан шунинг учун бизнинг бурчимиз, муқаддас мажбуриятимиз ахлоқий маданият орқали ўзимиз ва онгимиз ҳақида янги тасаввурни ҳосил қилишдан иборат, токи инсоният, амалиётда бу янги модель билан қуролланиб, нафақат ўзини сақлаб қолсин, балки янада такомиллашган турмуш тарзини кечирсин.

Хуллас, ахлоқнинг ижтимоий ҳаёт ва инсоний ҳатти ҳаракатни йўлга солишнинг бошқа шаклларида асосий фарқи тайлов эркинлиги эканлигини ёдга олиш зарурдир. Шу боис, биоэтика билан шуғулланаётган ҳар бир инсон ўзи тўғри деб ҳисоблайдиган маънавий концепцияни танлашда эркиндир. Кўриб турганимиздек, деонтология ҳатти ҳаракатнинг аксиологик синовдан ўтган қоидаларини мустаҳкамлаш учун йўналтирилгандир, бироқ баҳолаш фаолияти бир мунча ихчам бўлиб, консерватив деонтологик таркибий қисмига нисбатан инсоний фаолият ўзгаришларига жадалроқ муносабат билдиради. Ахлоқнинг ички зиддияти шу билан ҳам изоҳланади. Биоэтика биотиббиётдаги ўта жадал ўзгаришлар натижаси бўлган ҳолда ушбу зиддиятни кескинроқ ва яққолроқ кўрсатиб бери.

АДАБИЁТЛАР:

1. Белкина Г.Л. (Ред.) Институт человека: Идея и реальность. ЛЕНАНД 2018. - 348с.
2. Михель И. В. Биоэтика в контексте истории: философские исследования биоэтического движения. Саратов Саратовский государственный технический университет 2015. 248 с.
3. Арасту. Поэтика. Ахлоқи кабир. Риторика. - Тошкент: Янги аср авлоди, 2011. - 130 б.
4. Қаранг: Ахелис Т. Этика. История этики и критика ее систем. Явления нравственности. Принципы нравственности. Этика Либроком 2011. - 112с.
5. POTTER, V.R. Transcricao do video do IV Congresso Mundial de Bioetica. In: PESSINI, L.; SGANZERLA, A.; ZANELLA, D.C. (Orgs.). Van Rensselaer Potter: urn bioeticista original. Sao Paulo: Loyola, 2018b.
6. POTTER, V. R. Bioetica Global: Construindo a partir do Legado de Leopold. Tradugao de Cecilia Camargo Bartalotti. Sao Paulo: Loyola, 2018a.
7. ЛоккДж., БентамИ. Этикапроцента: Дж. Локк и И. Бентам о природе ссудного процента и его регулировании Социум 2019. - 384с.
8. BROWN M.B. Three ways to politicize bioethics. - Mode of access: <http://www.csus.edu/indiv/b/brownm> (last download: 19.01.2015)
9. SajooA.B. Negotiating virtue: principlism and maslaha in muslim bioethics. -Mode of access: <http://sir.sagepub.com/content/43/1/53.full.pdf+html>
10. NURMATOVA, M. The theory of the harmonization of moral and aesthetic values in the history of the development of Eastern thinking: comparative analysis. AVICENNA, 54.
11. Нурматова, М. А. (2014). Духовные и нравственные ценности во взглядах и деятельности джадидов. Credo new, (3), 17-17.
12. Mamajonova, G. K. (2019). Bioethics-Institutional Mechanism of Social Control of Criteria for Ethical Choice and Ethical Responsibility. *Journal of Sources of Science*, 5, 30-33.
13. Mamajonova, G. K. (2018). Bioethics is applied ethics. *Теория и практика современной науки*, (1), 29-31.
14. Shermuhammedova, N. "Methodology and phylosophy of science." (2012): 165.
15. Namazova, Yulduz Muzapparovna. "MINISTRY OF PUBLIC EDUCATION AND CONFESSIONAL (RELIGIOUS) SCHOOLS IN TURKESTAN." *Scientific and Technical Journal of*

Namangan Institute of Engineering and Technology 1.7 (2019): 135-139.

16. Абдуллаева, Н. (2023). Вопросы языкового и речевого этикета в произведении «Кутадгу билиг», in Library, 22(4), 171-180. извлечено от <https://inlibrary.uz/index.php/archive/article/view/21752>

17. Нишанова, О. (2023). Научно-теоретические концепции, направленные на изучение этнокультуры, in Library, 7(1), 1-22. извлечено от <https://inlibrary.uz/index.php/archive/article/view/21924>